2020 ЙИЛ ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА «БАХТ ПАХТА ТОЗАЛАШ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИГА ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

PROGRESS AUDIT» МЧЖ
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

30 АПРЕЛ 2021 ЙИЛ

МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ

«PROGRESS AUDIT»
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

200100, Hamza ko'ch, 14-uy Buxoro shahri тел. (8-365) 223-86-40

Бахт пахта тозалаш акциядорлик жамияти мулкдорларига

Мен, Буҳоро шаҳри Ҳамза кўчаси, 14 уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 05 апрелида берилган 00784-сонли барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви утказиш буйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2013 йил 7 октябрда 351-сон билан руйхатга олинган, СТИР 202 359 083, банк ҳисоб рақами 20208000003201832001 "Ипотекабанк" АТБ Буҳоро филиалида очилган, МФО 00088, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "PROGRESS AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори Хаитов Сайфулло Сафарович (05395-сонли аудитор малака сертификати 11.06.2016 йилда берилган) томонидан хўжалик юритувчи субъект «Бахт пахта тозалаш» акционерлик жамиятининг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботи ва Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботлардан иборат 2020 йил 1 январидан 2020 йил 31 декабрига қадар холатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини 2021 йил 26 февралдаги 1/101 сонли шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги
Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги
Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.
Биз «Бахт пахта тозалаш» акционерлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига

мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллар молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади деб ҳисоблайман.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, «Бахт пахта тозалаш» акционерлик жамиятининг 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

С.С. Хаитов
«PROGRESS AUDIT» МЧЖ
Аудиторлик ташкилотининг рахбари,
Аудитор

30 апрел 2021 йил